

5111000- Професионал таълим (5510500 - Фармация (Фармацевтика иши))
таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5111000- Професионал таълим (5510500 - Фармация (Фармацевтика иши)) таълим йўналиши соғлиқни сақлаш тизимининг, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги йўналиш бўлиб, у тиббиёт ва фармацевтика лицейларида, фармацевтика техникумларида ва фармацевтика таълим йўналишидаги ўрта махсус таълим муассаларида педагог сифатида ўрта махсус маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш; ўқув модуллари, воситалари, услублари ҳамда дори воситаларини тайёрлаш, стандартлаштириш, сақлаш, қадоқлаш ва беморларга бериш бўйича ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тадқиқ қилишга йўналтирилган воситалар, усуллар мажмуасини педагогик фаолиятда фойдаланишни ўз ичига олади.

5111000- Професионал таълим (5510500 - Фармация (Фармацевтика иши))
таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

таълим жараёнида мос касб-хунар коллежларидаги ўқув-тарбия жараёни, дори воситалари, даволаш профилактика муассасалари, турли мулкчилик шаклидаги дорихоналар ишини ташкил қилиш ва юритиш, назорат таҳлил ва токсикологик кимё лабораториялари, фармацевтикага оид илмий-амалий лойиҳалар.

5111000- Професионал таълим (5510500 - Фармация (Фармацевтика иши))
таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида мутахассислик фанларини ўқитиш;
- турли мулкчилик шаклидаги дорихона ва бошқа фармацевтика муассасалари ишини ташкил қилиш;
- дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш;
- дори турлари технологиясини такомиллаштириш;
- касбий таълим педагогикаси ва ташхис технологиясини қўллаш;
- таълимнинг электрон воситаларидан фойдаланиш.

5111000- Професионал таълим (5510500 - Фармация (Фармацевтика иши))
таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий-тадқиқот;
- ишлаб чиқариш;
- ташкилий-бошқарув;
- ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш;
- педагогик (умуми ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида).

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.